



Пойтахтимизнинг равои йўллари. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Ташқи бозорни кўзлаб

Пойтахтимизда ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган «Деметра» хусусий корхонаси тадбиркорларнинг ҳам асосий мақсади жаннатмонанд юртимизнинг олтин тупроғида етиштирилаётган мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, улардан энг сара, дармондорили, қишда ҳам истеъмолчиларга ёз тароватини бағишловчи маҳсулотлар тортқ етиштирди.

Бугун мамлакатимизда интилганга толе ёр. Ана шундай интилишлар боис корхона замонавий, юксак ўнумли Россиядан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган, бугунги кунда 36 нафар ишчи иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари эса 28 хилдан ортиқчи ташкил этади. Айниқса, харидор талаб ва эҳтиёжи эътиборга олиниб турли мева-сабзавотлардан тайёрланаётган мурabbo, консерва, жем ва шербатларнинг 250, 370, 650 граммлик шиша банкаларда янги борама қопқоқлар билан чиқарилаётганлиги, экологик тоза ва барча дармондорилари сақланишига эътибор қаратилаётганлиги уларга талабнинг ортишида муҳим роль ўйнамоқда.

— Президентимиз ўз чиқишларида иқтисодий ривож ҳақида, унда ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорларнинг улуши ҳақида гапирар экан, мамлакатимизда етиштирилаётган пахта, мева-сабзавотларнинг ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида алоҳида тўхтатилиши бизнинг ушбу корхонамизнинг иш бошлашига туртки бўлди, — дейди корхона директори, ёш тадбиркор Отабек Акбаров. — Биз шуни олдимизга мақсад қилдикки, маҳсулотимиз ҳам тотли, ҳам бежирим қадок.

ланган бўлсин. Ана шу мақсадда бозорни ўрганиб, Тошкент вилоятидаги жамоа корхоналаридан шартнома асосида мева ва сабзавотлар олиб Белорусь давлатидан келтирилган шиша идиш ҳамда бурама қопқоқлардан фойдаланиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Сақлашни муддат 2 йил бўлган маҳсулотларимизга харидорлар ортиб бормоқда. Ўтган йили февраль ойида иш бошлаб 200 минг шиша идишда ана шундай сифатли маҳсулотлар тайёрлаган бўлсак, жорий йилнинг ярмида 250 минг дона ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик.

Энг муҳими, тадбиркорлар бозорни ўрганишга, хориждан харидорлар топшишга муҳим эътибор қаратишаётганидир. Ана шу мақсадда яқинда Россиянинг Новосибирск шаҳрида «Деметра» савдо уйи ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, унинг маҳсулотлари Англия, Қозоғистон давлатларидан харидорлар бор. Харидорлар талабидан келиб чиқиб тадбиркорлар йил охиригача яна 250 минг донадан ортиқ турли хил маҳсулотлар тайёрлашни режалашган. Ана шу мақсадда «Саноатқурилиш» банкдан 45 миллион сўм кредит олиш мўлжалланмоқда.

— Шуниси қувонarliки, — дейди директор ўринбосари Шавкатилла Назиров, — Қувасойдаги «Кварц» акционерлик жамиятида бурама қопқоқга мос равишда бир литрлик шиша банкалар ишлаб чиқарила бошланди. Улардан фойдаланиш бизга ҳам арзон ҳам қулай. Шунингдек, келгусида «Деметра» қопқоқларини ўзимизда ишлаб чиқариш, 200 гектар ер олиб, у ерда патисон, бодиринг ва бошқа сабзавотлар етиштиришни режалаб турибмиз.

Гулбахор НУРИТОВА

АЛОҚА

«Биллинг» хизмати

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг Ахборот ҳисоблаш маркази бўлимининг республикамиз фуқароларига алоқа соҳасида «Биллинг» хизматини, яъни янги ҳисоб-китоблар марказини ташкил этиш учун бир неча йиллардан бундан қилишаётган сая-ҳаракатларни рўёбга чиқди.

Илгарилари шаҳарлараро сўзлашувлар ҳисоб-китобини амалга ошириш учун эса почта орқали унингизга сўзлашувлар ҳисоб-китоб вақтида 15-30 кун ичида етиб келишини кутиш табиий ҳолатга айланган бўлган. Ҳаттоки ҳар ойлик телефонга абонент тўлов пулларини ҳам тўлашда қатъийликлар бўларди. Фуқароларнинг булса бундай нохуш ҳолатлардан доимо ранжиб келишган. Аммо, кўпчилик абонентларда қадон бизда ҳам чет мамлакатларга ўхшаб шаҳарлараро сўзлашувлар ушбу телефон сўзлашувларини ҳисоб-китобини 2-3 кун ичида тўласак бўлмайми? деган саволларни бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Мана шу масалаларни ечиш учун эса «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти раҳбарлари томонидан самарали ишлар қилинди. Мутахассислар чет мамлакатларга юборилиб улар тажриба ўрганиши.

Мутахассисларимиз Украинанинг Веница, Россиянинг Тольятти, Москва шаҳарларида бўлишди. Улар Москвада Чехия «Биллинг» хизмати вариантини чуқур таҳлил этиб ўрганишди. Ушбу сая-ҳаракатлар бутун ўз самарасини берди, бизда янгидан мутахассисларимиз томонидан мураккаб ҳолда самаралорини бошқа мамлакатларнинг қараганда устун, ўзимизга хос ва мос қилиб «Биллинг» хизматини тако-

мил вариантни ишлаб чиқаришда ҳамда ишга туширилди. Ўзимизда ишлаб чиқариш «Биллинг» системаси молиявий, иқтисодий жиҳатдан кам харажатлилиги билан бошқалардан ажралиб турди.

«Биллинг» система бу ҳисоб-китоблар марказидир. Бунинг афзаллиги ҳар қандай абонент уй телефонидан шаҳарлараро сўзлашувлар ўтказмасин, шу куннинг эртаси ёки 2-3 кун ичида «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг ҳар қандай филиалларида ёхуд айрим телефон станцияларида жойлашган газналарига мурожаат этиб, ҳисоб-китобини амалга ошириши мумкин бўлди.

Бундай хизмат тури республикамизда биринчилардан бўлиб 2001 йил 2 июлда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг Со бир Раҳимов филиалида синов йўли билан ишга туширилди. Яқин кунларда «Биллинг» хизматидан фойдаланиш Тошкент шаҳрини қамраб олади. Кейинчалик бу хизмат тури ҳар битта вилоятимиз марказида ташкил этилиши устида шартномалар тузилмоқда. Вилоятлар миқёсида бу хизмат тури биринчилардан бўлиб Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсата бошлайди.

Ашрбой РЎЗМЕТОВ, давлат алоқа инспекциясининг катта инспектори.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ўзаро ҳамкорликда

Мамлакатимиз самолётсозлик саноати ўзининг «Кичик авиацияси»га ҳам эга. «АН-2» самолёти, «МИ-2», «МИ-6» вертолётлари ҳам шу тармоққа киради.

— Айни бир вақтда бизда енгил ва ўрта енгил учуш аппаратларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда, — дейди Тошкент Давлат авиация институтини фуқаро авиацияси факультети декани ўринбосари Ҳамид Мўминов. — Бундай ҳаво кемалари орасида модельтопланерлар ҳам анчагина. Авиамодельчилик, хаваскорлик авиаторлик тўғрақларида тайёрланган модельтопланерларнинг учуши учун рухсатнома беришни кенг йўлга қўйиш учун бизнинг олий ўқув юртимиз негизда енгил ва ўрта енгил учуш аппаратларини сертификациялаш маркази ташкил этилди. Мазкур марказ бу хил аппаратларнинг экспертиза қилиш, синов билан ҳам шуғулланади.

Қўрилган бу муҳим техник тадбир янги техникаларнинг парвоз қилиши учун рухсатнома бериш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, муҳандислар, конструкторларнинг ижодкорлик соҳасидаги изланишлари учун ҳам йўл очиб беради.

Марказ ўз фаолиятини «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» хиссдорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этади.

Ахбар АЛИЕВ

ҲЎ-ЖЎЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

«Тошиссиқликкуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси техник директори Валентин ЧЕСТНОВ билан суҳбатимиз жамоянинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, айни кунларда амалга оширилаётган юмушлар хусусида бўлди.

— Валентин Андреевич, суҳбатимизни бирлашма фаолиятдан бошласан...

— Бахонидил. 1984 йилда тузилган «Тошиссиқкоммунаэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси тақсимловчи (дахалар ичкарасидаги) иссиқлик тармоқлари ва қозонхоналарга хизмат кўрсатиб, улар касалхоналар, мактаб ва болалар боғчалари, айрим турар жой бинолари ва турар жой бинолари гуруҳини иссиқлик билан таъминлаган. 1996 йилдан бошлаб бирлашма «Тошиссиқкуввати» номи билан аталиб, шаҳарнинг барча иссиқлик манбалари олинган йирик иссиқлик тармоқларидан фойдаланишнинг ўз иммасига олди. 1999 йилда тажриба тариқсида бирлашма тасарруфига катта қувватли «Қорасу» 2-иссиқлик маркази, 2000 йилда эса Бектемир туманидаги йирик «Водник» қозонхонаси қабул қилинган, пойтахтнинг каттагина қисмига иссиқлик қувватини ишлаб чиқаришдан фойдаланиш тақдирини қўйиб, таъминот хизмат кўрсатадиган бўлди ва бу ўз навбатида тизимни бошқаришни осонлаштирди.

Бугунги кунга келиб 3073 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган бирлашма кучи билан 14534 та бинога, яъни 551 та мактаб, 703 та болалар боғчаси, 782 та даволаш муассасалари, 377 та олий ва ўрта махсус ўқув юртилари, 9385 та турар жой биноларига иссиқлик ва иссиқ сув етказиб бериляпти. Ўтган давр мобайнида хизмат кўрсатиш тармоқлари 2,3 марта, истеъмолчилар сони 1,45 марта ошди. Ўтган йилда бирлашма бўйича бажарилган ишлар ҳажми 24269 миллион сўмни ташкил этди.

— Истеъмолчилар билан муносабатлар қай тарзда амалга оширилади?

— Улар билан шартнома асосида ишлаймиз. Барча уланган биноларни ўз ичига қамраб олган ҳуқуқий шахслар билан 2597 та шартнома тузилган. Кейинги йилларда эса ўлчаш асбоблари билан жиҳозланган хонадон эгалари билан бевосита тузган шартномаларимиз сони 2658 тага етди, мар-

казий иссиқлик таъминотида уланган хонадонлар сони эса 260 минггадан ортиқдир. Шаҳарда қурилаётган янги уйларнинг ўлчаш асбоблари билан фойдаланишга топширилаётганлиги бундай шартномаларнинг сўзсиз ошишига олиб келади.

— Бирлашмада коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотлар қай тарзда амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг янада ислох қилиниши

фон рақамлари тўғрисидаги маълумотлар бор. Шунингдек, бирлашма ўлчаш асбобларини ростлаш ва созлашга доир тенднинг сотиб олиб ўрнатган ва унга сертификат олган.

— 2001-2002 йилги иситиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрилди?

— Шунингдек, таъминот кўрсатиш, иссиқлик тармоқлари, насос станциялари ва маҳаллий қозонхоналарни 2001-2002 йилги иситиш мавсумига тайёрлаш ўтган йилнинг сўнги чорагидан, яъни жиҳозлар ва ашёлар билан таъминлашга доир шартнома тузилган кундан бошлан-

МУСОҲАБА

Иссиқлик таъминоти кўнгилдагидек бўлади

тўғрисида»-ги Фармонида белгиланган вазифалар бажаришга киришилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2001 йил 22 январдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш чора-тадбирлари ҳақида»-ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага доир фармойишидан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилиниши ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг баъзи бандларини тўлдирish ва аниқлаш, уй-жой мулкдорлари хизматлари ва уларнинг коммунал хизматлар таъминотчилари билан ўзаро муносабатларига доир аниқ вазифалар белгиланди. Меъёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Шаҳарнинг турар-жой биноларида ва инфратузилманинг бошқа объектларида иссиқлик ўлчаш асбобларини ўрнатиш ҳақида»-ги қарорига мувофиқ бирлашмада иссиқлик ўлчаш асбобларини ўрнатиш, таъмирлаш ва созлаш маркази ташкил этилиб, унинг мутахассислари шартнома асосида лойиҳалашни ўз ичига олган барча ишлар мажмуасини бажарилади. Ҳар бир туман бошқармасида ана шундай асбобларни ўрнатиш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган бригадалар тузилиб, махсус «Газел» машиналари жиҳозланган. У ерда бундай асбоблар ўрнатишнинг фойдалилиги ҳақидаги реклама, марказ ва хизмат манзиллари, бошқармаларнинг теле-

ган. Иситиш мавсуми охирида иссиқлик тармоқларини энг юқори ҳароратда синов ишлари, таъмирлаш компанияси даврида эса барча иссиқлик тармоқларини юқори босим билан синов ишлари ўтказилди. Бу ишлар камчиликларни вақтида аниқлаш, иситиш мавсумини тартибга келтириш имконини беради ва ўз навбатида мавсум даврида иссиқлик тармоқларини авариявий ўчиришдан халос қилади.

Бирлашмада айни кунларда асосий эътибор қишлоқ ишларини вақтида якунлашга қаратилган. Таъмирлаш мавсуми вақтида 294,525 километр канал иссиқлик тармоқлари, 27 та маҳаллий қозонхоналар мукаммал таъмирдан чиқарилиди. Шунингдек, 2-иссиқлик марказидаги 100 гикалорий/соат қувватига эга бўлган қозон ва «Водник» қозонхонасидаги 20 гикалорий/соат қувватига эга қозонлар мукаммал таъмирланди. 43,713 километр қувур қайта ётқизилди. Ер устидан ўтказилган 32,323 километр узунлидаги қувурларнинг иссиқлик изоляцияси тикланди. Бугунгача 17 та насос станциясининг асосий жиҳозлари мукаммал, 34 та насос станцияларидаги жиҳозлар жорий таъмирланди.

Бугунги барча сая-ҳаракатларимиз барча режалаштирилган тадбирларни белгиланган муддатларда ниҳоясига етказиш, ҳамшаҳарларимизни киш мавсумида етарли иссиқлик билан таъминлашга қаратилган.

«Мулоқот» маркази

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошида доимий фаолият юритувчи «Мулоқот» маркази фаолият юритмоқда. Марказини ташкил этишдан асосий мақсад коммунал соҳада ишлайдиган ходимлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари учун коммунал хўжалиги соҳасида бўлаётган ислохотлар тўғрисида, шунингдек, уй-жойлар техник ҳолатини яхшилаш, ундан фойдаланиш, санитария ҳолатини меъёрида ушлаб туриш, ёнгинга қарши ҳолатини яхшилаш каби масалалар хусусида семинарлар ташкил этишдан, мулоқотлар уюштиришдан иборатдир.

Ана шу мақсадни амалга ошира бориб, бундай мулоқот ва семинарлар шахримизнинг ҳар бир туманида ўтказилмоқда. Шунингдек, марказ қошида фикр ва мулоҳазаларни иноватга олувчи 45-05-52 рақамли ишонч телефони иш олиб бормоқда. Бу ерда уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун кутубхона ҳам ташкил этилган.



Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «Одол» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари ўзларига қарашли хонадон эгаларига ҳамisha намунали хизмат кўрсатишга интиляшади.

СУРАТДА: ширкат бошқаруви раиси (чапдан) Омон Қосимов, ҳисобчи Жанна Мухамедшина ва электрчи Ботир Зокировлар қилинажак ишлар хусусида субатлашмоқдалар. Сергей Любич олган сурат.

Сахифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.



Улар кортга тушишади

БУГУН

шахримиздаги «Юнусобод» теннис кортларида анъанавий саккизинчи марта Президент Кубоги мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Ушбу мусобақаларнинг республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги шодиёналари нишонланаётган кунларга тўғри келганлиги ҳам қувонарли ҳолдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу улкан теннис байрами АТП Тур тақвимида мустахкам ўрин олиб, кўпчилик теннис юлдузлари Президент Кубоги мусобақаларида қатнашишни орзу қиладилар. 8-март ўтказилаётган Президент Кубоги турнири асо-

сий сетка қатнашчиларининг таркиби фикримиз далилидир. Бу гал теннис мухлислари учун ҳам қулай имкониятлар яратилиб, махсус лотерея ўйинлари ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда «Юнусобод» теннис мажмуи кортларига ташриф буюрган ишқибозлар улкан теннис юлдузларининг аjoyиб маҳоратларидан баҳра олиб, бири-биридан қизик ўйинларнинг гувоҳи бўлишлари мумкин.

Куйида эса муштарийларимиз эътиборига Президент Кубоги халқаро мусобақаларида иштирок этаётган энг кучли теннисчилардан айримлари тўғрисидаги маълумотларни ҳавола этмоқдамиз.

Евгений КАФЕЛЬНИКОВ



1999 йил — Австралиянинг очик чемпионати, Роттердам, Москва.
2001 йил — Москва, Сидней олимпиадаси.
2001 йил — Марсел.
Евгений Кафельников спортчилар оиласида катта бўлган. Унинг отаси


Александр волейболчи ўқувчиларга мураббийлик қилса, онаси Валентина мактабда ўқиган чоғларида баскетбол билан шуғулланган. Шу сабабдан бўлса керак теннис билан олти ёшдан бошлаб шуғулланган. Ҳозирги кунда уни мусобақаларга устози Ларри Стефанки тайёрламоқда.

Кафельников ўтган мавсумни аjoyиб натижалар билан якунлади — охириги олти йил ичида бешинчи бор жаҳоннинг ўнта энг кучли профессионал теннисчилари сафидан ўрин олди.

Шуни таъкидлаш керакки, Евгений ўзининг профессионал теннисдаги ҳар бир мавсумини аjoyиб галабалар билан безайди. Ўтган йили Сиднейдаги олимпиадада ўйинларида эришган галабаси унинг ана шундай юксак чўққиларидан биридир.

Евгений Кафельников Президент Кубоги турнирларида бир неча бор иштирок этган бўлса-да, фақат 1998 йили яқка тартибда финалга чиқа олган. Ўйлаيمизки, бу гал у галаба қозониши учун бор маҳоратини ишга солади.

Марат САФИН



лаган. Онаси Маратта 6 ёшдан 13 ёшгача сабоқ берган.

Шу йилдан бошлаб машҳур швед теннисчиси Матс Виландер Маратга мураббийлик қилмоқда.

Шубҳасиз, ўтган асрнинг охириги йили Марат Сафин фаолиятидаги энг муваффақиятли йил бўлди. Ўтган мавсумда у АТП туркумидаги етти та мусобақада

ғолиб чиқди. АҚШ очик чемпионатидаги галабаси эса Маратнинг ўтган йили галабаларининг гултожи бўлди.

Сафин кейинги муваффақияти — бизнинг Президент Кубоги мусобақаларидаги галабасидан сўнг АТП рейтингини бошқара бошлади. Йил якунларига кўра эса иккинчи ўринни эгаллади. Фақат машҳур юлдуз Борис Беккергагина шундай ёш чоғларида юқоридаги каби муваффақиятларга эришиш насиб этганди.

Тошкентда ўтадиган Президент Кубоги мусобақалари, бу — мен яхши кўрган энг сеvimли турнирлардан биридир, — дейди Марат Сафин. — Бу гал Ўзбекистон пойтахтига қаторасига тўртинчи бор ташриф буюришман. Ва доимо Тошкент кортларида ўйнашни, ишқибозларга қувонч бахш этишни истайман.

Ўтган йили Президент Кубоги мусобақаларида галаба қозонганимдан фахрданаман. Айнан, ушбу турнирдаги галабамдан сўнг АТП Тур рейтингини бошқаришга муваффақ бўлдим. Бундай қувончли воқеа ҳаётимда илк бор рўй берди.

Николас КИФЕР



мавсумни Германиянинг энг кучли теннисчиси сифатида якунлади. Ушанга немис теннисда қаторасига 12 йил барчадан устун турган Борис Беккернинг «қироллиги» тугаганлиги тўғриси-

да гапиргандилар. Бу бежиз эмасди. Зеро, жуда ёшлигиданоқ уни ўта қобилиятли теннисчи сифатида тавсифлашарди. Вақти келиб эа узуслига эга бўлади. Кифер 1999 йилги мавсумни иккинчи бор Германиянинг энг яхши теннисчиси бўлган ҳолда муваффақиятли якунлади. 2000 йилги мавсумни ҳам яхши бошлаган Кифер кейинчалик жароҳат олиб, узоқ вақт даволанишига тўғри келди. Шунга қарамай мавсум сўнггида яна Германия теннисчиларининг етакчисига айланди ва йилни жаҳондаги энг кучли теннисчилар сафида якунлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1999 йили Президент Кубоги баҳсларида финалда швейцариялик Жорж Бастен 6/4, 6/2 ҳисобида енгиб, қозонган галабаси Кифер фаолиятидаги энг муҳим ютуқлардан бири саналади.

Хишам АРАЗИ



ни ўрганиш бўйича ҳам юксак қобилият мавжудлиги намоён бўлди. Ҳозирда у араб, инглиз, француз, италиян ва испан тилларида эркин гаплаша олади.

Ўтган мавсумни марокашлик теннисчи жаҳоннинг ўттизта энг кучли теннисчилари сафида якунлади ва бу шубҳасиз, юқори натижадир. 2000 йили Австралия очик чемпионатида чорак финалга чиққан ҳолда мутахассислар тилига тушди.

Бу йил Хишам Арази Монте-Карлодаги йирик халқаро мусобақада Тим Хенмен ва Себастьян Гросжанларни енгган ҳолда финалга чиқиб мухлис мутахассислар эътиборини қозонди.

Ўйлаيمизки, Хишам Арази Президент Кубоги голиблари қаторидан ўрин олиши учун барча имкониятлар етарли.

Дилшод ИСРОИЛОВ тайёрлади.



«Ҳамшира — 2001»

Шахримиздаги Авиасозлар маданият саройида Оналар ва болалар йиллига бағишланган «Ҳамшира — 2001» кўрик-танловининг шахар босқичи якунланди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган ушбу танловда ўн битта тумандан голиба деб топилган лобар ва доно ҳамшира қизлар иштирок этдилар. Танловда сўзга чиққан Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари, шахар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова халқимиз саломатлиги йўлида қийинчилик билан меҳнат қилаётган, беморлар дардига малҳам бўлиб ўз касбини шарафлаётган қўли енгил, меҳрибон ҳамшираларимизга ушбу танловда омадлар тилади.

Шундан сўнг ҳамшира қизлар танловнинг бешта шарти бўйича ўзаро беллашиб, ўзларининг билимларини, касбларига бўлган меҳр-муҳаббатларини намоиш этдилар. Шунингдек, ҳамширалар ўзларининг назарий билимлари, Ватанимиз тарихи ҳақидаги саволларга ҳозир-жавоблик ҳамда энцикллик билан жавоб бердилар. Охириги шарт бўйича эса қизлар санъатга бўлган ҳаваслари, қобилиятларини намоён эт-

дилар. Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати раиси профессор Эркин Қосимов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди.

Қизқарлик ва мароқли ўтган кўрик-танлов сўнггида голиблар аниқланди. Мирзо Улуғбек туманидаги марказий шахар касалхонасининг ҳамшираси Гулчехра Сатторова танловнинг гран при соҳиби бўлди. Биринчи ўрин эса Яқкасарой туманидан Шахноза Айтқуловага насиб этди. Иккинчи ўринга Собир Раҳимов туманидан Дилафрўз Омонхўжаева ва учинчи ўринга Чилонзор туманидан Рохила Турдимова муносиб деб топилдилар. Кўрик-танлов иштирокчилари ва голиблар ҳомиёлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ва гулдасталар билан тақдирландилар.

Ақмал Икромов туманидаги «Ором» болалар боғчаси қатнашчилари ҳамда хонанда Рустам Ражабий ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ийгиликларига ҳуш қайғиёт улашди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Ҳамшира — 2001» кўрик-танлови шахар босқичидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

Голиблик йўлидаги муҳим галаба

Ўтган кунимизда жаҳон чемпионатида саралаш турнири иккинчи босқичининг «В» гуруҳидаги жуда муҳим аҳамият касб этувчи учрашув бўлиб ўтди. «Пахтакор» стадионида йиғилган эллик минг ишқибоз Уммон терма жамоаси билан ўйинда юртдошларимизни қўллаб-қувватлаб, галаба сари руҳлантиришга ҳаракат қилишди. Зеро, ушбу ўйиндаги дуранг ёки мағлубият терма жамоамиз учун жаҳон чемпионати «дарвоза»ларини ёпиб қўйиши тайин эди.

Терма жамоамиз майдонга куйидаги таркибда тушди: А.Поляков, Б.Ашурматов, М.Қосимов (И.Зейтуллаев), С.Лушан (А.Аюпжон), А.Власичев, Ж.Ирисметов, Д.Файзиев, М.Шахкиш, А.Хвостунов, Ф.Давлетов (Б.Аннаматов), Н.Ширшов.

Ушбу ўйинда Б.Ашурматов ва А.Хвостунов каби аввалги беллашууда майдонга тушмаган икки мохир футболчининг тўп суриши жамоамиз сафларини янада мустаҳкамлади. Ўйиннинг нақадар муҳимлигини яхши тушушган футболчиларимиз беллашув бошлариданоқ ҳужумга зўр беришди. Зеро, биринчи галдаги вазифа иложи борица рақиблар дарвозасига тезроқ тўп киритиш эди.

Дастлабки дақиқаларда футболчиларимиз бир нечта вазиятдан унумли фойдаланишга олмади. Хусусан, 15-дақиқада Б.Ашурматов узокдан туриб аниқ тўп оширганидан сўнг М.Шахкиш боши билан йўналтирган тўп шундоқина дарвозанинг устидан ўтиб кетди.

17-дақиқада эса Н.Ширшов одатдагидай чап қанотдан

ди. А.Власичев оширган тўпни дарвозадан ҳамаси 22 метрлар нарида қўқраги билан қабул қилиб олган Миржалол бурилиб туриб чан оёғи билан дарвоза тўғрига туширди.

Охириги дақиқаларда М.Шахкиш оширган тўпни яна Жаъфар Ирисметов дарвоза тўғрига туширган ҳолда ҳисобни 5:0 га етказди. Муҳим беллашув шу тарика терма жамоамизнинг йирик ва ишончли галабаси билан якунланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарвозабонимиз Алексей Поляков ушбу ўйинда ҳам ўзининг аjoyиб маҳоратини кўрсатган ҳолда дарвозасини мушарраф голлардан сақлаб қолди.

Шу гуруҳдаги Қатар — Хитой баҳсида эса 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

Шундай қилиб, ўтказилган уч учрашувдан сўнг 7 очко тўплаган хитойлик футболчилар ҳозирча гуруҳда пешқадамлик қилишмоқда. Ўз майдонида икки галабага эришиб олти очко жамгаган юртдошларимиз иккинчи ўринга чиқиб олишди. 15 сентябрда Хитойда ҳар иккала пешқадам жамоа иштирокчида ўтказиладиган ўйин гуруҳ голибини узиб-кесил ҳал этишига шубҳа йўқ.

Ушбу ўйинда терма жамоамиз футболчилари жуда бўлмаганда дуранг натижага эришишлари керак бўлади.

Даврон ИСАЕВ

ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ

Ўзбекистонда деярли ҳамма турлари ўстирилади. Меваси ҳар хил ранг (қора, кўнжир, сариқ, қизил, яшил) ва шаклда (думалоқ, ясси, ноқсимон).

Анжирнинг баъзи навлари бир йилда икки марта (ёз ва кузда) ҳосил беради. Ёзги ҳосили июнь-июлда (пишиб) иккинчи асосий ҳосил август — октябрда пишади.

Анжирнинг пишган меваси

Анжир

тўйимли маҳсулот ҳисобланади. Таркибиди 30 фоизгача канд моддаси, 1,4 фоиз оксил, 0,3 фоиз ёғ, 0,12-0,6 фоиз органик кислоталар, 0,6 фоиз минерал тузлар, С, В₁, В₂ витаминлари бор.

Қурилган анжир ширин мазали бўлиб, таркибиди 70 фоиз канд моддаси бор, ком-

пот тайёрлашда қурилган бошқа мевалар билан қўшиб ишлатилади.

Халқ амалиётида узум ва меваларни қуриштириш анжир баргидан ишқор сифатида, «сути»дан тери касалликлари (кал, сўгал, темирлаткини), чаён ва ари чаккан жойларни даволашда фойдаланилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВ тайёрлади.

Бу ажиб дунё

Табиатга зарар келтирди

Ивановнинг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган ўқув ҳўжалигига қарашли қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиладиган майдонда 2000 йил ёзида маийш чикиндилар ахлатхонаси ташкил этган тадбиркор жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлди.

Тижоратчида на туман маъмуриятининг қарори, на ердан фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома бўлмаган. Аҳоли ўртасида «Муъжизалар майдони» номи билан танилган ушбу ахлатхона 2000 йил августдан 2001 йил апрелгача «фаолият кўрсатган». Ўтган тўққиз ой мобайнида 4,9 гектар ерга ноқонуний равишда 7,068 куб метр учинчи ва тўртинчи тоифадаги хавфга эга бўлган маийш ва саноат чикиндилари қўмилган.

Табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳисоб-китобларига кўра тадбиркорнинг бундай хатти-ҳаракати атроф-муҳитга 814 минг рубль зарар келтирган. Ишдан чиққан майдон дастлабки ҳолатига келтирилиши учун шунча миқдорда маблағ сарфланиши талаб этилади.

Тадбиркорнинг жиноий иши туманлараро табиати муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан Иваново тумани судига юборилди.

Жиддий хавф

Кейинги вақтларда Бухарест кўчаларида қаровсиз итларнинг кўпайиб кетганлиги жиддий хавф туғдирмоқда. Маъмуриятнинг маълумот беришича 1,5 миллион аҳолиси бор бўлган маъмурият шаҳарда айни пайтда 200 мингга яқин дайди итлар яшайётгани аниқланган. Ёнғ ёмон 20 мингга яқин кишини ит қопган. Бу ҳол шахар маъмуриятини кескин чоралар кўришга мажбур қилмоқда. Бухарест Мэри Бэсеску тақлиф этган дастурга мувофиқ тўрт оёқлиларнинг бир қисми йўқ қилиниши, қолган юз мингга яқини махсус текширишдан ўтказилиб, уларни эмлаш, дезинфекция қилиш лозимлиги кўрсатилган. Шундан кейингина ит боқини истаганлар шу марказдан ариза бериб ўзлари хоҳлаган итни олишлари мумкин. Бу ишнинг масъулиятли томони ҳам бор. Яъни сиз олган ит мабодо бир кишини тасодифан тишлаб олса, унда сиз шу одамни даволаш учун кетадиган бутун сарф-харажати ўз бўйинингизга олишингизга тўғри келади.

Гиёванд отанинг қилмиши

Коста-Рикада гиёванд ота арзизмаган миқдордаги қорадорини сотиб олиш учун етти ойлик фарзандини 6 АҚШ долларига пуллади.

Ҳокимият вакилларининг гувоҳлик беришича, йигирма етти ёшли Хименес қўлида гўдакни кўтариб, кўни билан тиланчилик қилиб юрган. Топилган пулни эса гиёвандлик моддаси сотиб олишча сарфлаган. Полициялар ундан болани тортти олиб, қариндошларига бериб юборишга мажбур бўлишди. Аммо гиёванд ота эртасигаёқ уларнинг уйига бостириб кириб, гўдакни ўғирлаб чиқди ва пуллаб юборди.

«Харидор» топилиб, ундан бола олиб қўйилди.

Қутурган филлар

Африка филлари қуруқликдаги энг баҳайбат жонивор ҳисобланади. Улар қутурса, оқибати жуда ёмон бўлади. Яқинда Кения шимолдаги Лайкиния туманида қутурган филлар икки кишини эзгилаб ташлади. Ўтган ойда эса Эфиопия жанубида бир овчи филнинг газзабига ўчараб, ҳалок бўлган эди.

Велосаётчи ишқибозлари

АҚШнинг Калифорния штатидаги Пасадина шаҳрида «Одиссея—2000» номли велосаётчи старт олди. Саёҳат ташкилотчилари режасига кўра, ушбу тадбирда қатнашаётган 252 велосипедчи XX аср якуни ва янги йил ийлиги бошида Лос-Анжелесга келади. Улар бир йил давомида олти мишга мамлакат кўчаларидан ўтади.



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларида ёки «Тошкент почтамити»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг
компьютер марказида терилиб на саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоса
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.